

Хайрулла ҲАМИДОВ

Тошкент давлат шарқшунослик институти
кафедра мудири, филология фанлари номзоди, доцент

“ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНИ ТАРЖИМАЛАРИДА МАҚОЛЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ

Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романининг рус ва турк тилларига таржимасида мақолларнинг берилиши мавзусига бағишланган ушбу мақолада муаллиф асардаги йигирмадан ортиқ ўзбекча мақолни ўрганиб чиққан, улардан бир нечтасининг таҳлилини тақдим этган. Роман таржимонларининг ютуқлари таъкидланган, йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида фикрлар берилган. Мақола таржима назарияси ва амалиёти соҳасида иш олиб бораётган ёш мутахассислар учун материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

В данной статье, посвященной вопросам передачи пословиц в романе “Минувшие дни” А. Кадыри в переводах на русский и турецкий языки, проанализированы некоторые пословицы, использованные автором романа. В анализе подчеркивается мастерство переводчиков, указываются недостатки и упущения в процессе перевода этого произведения. Данная статья может служить материалом для молодых специалистов, ведущих научные исследования в области теории и практики перевода.

This article is devoted to study problems of translating proverbs in the novel of A.Kadiri by name “Days gone by” to Russian and Turkish languages. During review of several proverbs in uzbek, which were used by author, there is emphasized translation’s skill, are given objective thoughts to some defects and omissions, which were done in the process of translation. This article could be used as a material for young specialists in the field of the theory and practice of translation.

Калит сўзлар: мақол, аслият, русча муқобил, туркча муқобил, айнан таржима, сўзма-сўз таржима, тўлақонли таржима.

Ключевые слова и фразы: пословица, оригинал, русский эквивалент, турецкий эквивалент, точный перевод, дословный перевод, адекватный перевод.

Key words: proverb, original text, equivalent in Russian, equivalent in Turkish, faithful translation, verbatim translation, adequate translation.

Таржимада мақоллар объектининг ўзгариши, сақланиши ва берилиши фанда кам ўрганилган масалалардан. Бир халқнинг бадий тафаккури, миллий ўзига хосликлари акс этган мақоллар бутун мураккабликлари билан таржима жараёни мураккаблаштирувчи омиллардан ҳисобланади.

Ўзбек таржимашунослигида мақол, матал ва ибораларнинг бадий таржимада берилиши масалалари, асосан, рус тилидан (рус тили воситасида хорижий тиллардан) ўзбек тилига ва ўзбек тилидан рус тилига қилинган таржималар мисолида ўрганилган. Ўзбек тилидан туркчага ўгирилган бадий асарларда мақолларнинг берилиши каби масалалар илмий нуқтаи назардан энди ўрганила бошлади. Мазкур мақолада Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар”

(“O‘tkan kunlar”) романининг 1958 йилги нашри(1) ва 2012 йилги лотин алифбосига асосланган нашри(2) ҳамда асарнинг рус ва турк тилларига таржималари асосий манбалар сифатида олинди

Қодирий романи нафақат ўзбек китобхонлари меҳрини қозонган, балки жаҳондаги адабиёт ихлосмандлари эътиборини ҳам мана салкам 90 йилдан буён ўзига жалб этиб келмоқда. Асар йиллар давомида турли миллатлар тилларига таржима қилинди. Таржималар савияси таржимонлар маҳорати, аслият ва таржима тилини қай даражада билишларига кўра турлича.

Роман 1958 йили Л. Бать ва В. Смирновалар томонидан илк бор русчага таржима қилинган(3). 2009 йили М. Сафаров томонидан рус тилига қайта таржима қилиниб, нашр этилган(4). Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, роман дунёнинг бир неча тилларига таржима қилинди. Романнинг Аҳсен Батур томонидан туркчага ўгирилган нусхаси (Ötgen Künler (Geçmiş Günler) 2005 йили Истанбулда чоп этилган(5).

Романда адиб қўллаган машҳур ўзбек халқ мақолларининг рус ва турк тилларига таржималарини таҳлил этиш орқали таржимонлар маҳорати ва йўл қўйилган айрим камчиликларни аниқлаш мумкин.

Бадиий асарда ҳар бир ёзувчи ўз тилида мавжуд бўлган мақол, маталларни қўллайди. Бундан мақсад асарнинг бадиий қимматини ошириш ва бой мазмунни ихчам, аниқ шаклда бериш, образлар тилини индивидуаллаштириш ҳамда тилга сайқал бериш ва фикрни далиллаш орқали она тилининг чексиз имкониятларини намоён этишдир.

Таржимашуносликка оид тадқиқотларда муаллиф услуби, миллий колорит, образларнинг тил хусусиятларини таржимада акс эттириш ва бошқа шунга ўхшаш масалалар мақол ва маталлар таржимаси масаласи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилади. “Ўткан кунлар” романи ва унинг рус ва турк тилларига таржималари ўрганилиб, аслиятдан жами йигирмадан ортиқ мақол аниқланди, ва улардан асосий қисми таҳлил қилинди.

Романда инсоннинг доимо ҳаракатда бўлиши лозимлиги уқтирилган мақол иштирок этган: “*Юрган дарё, ўлтурган бўрё эмиш*, – деди Акрам ҳожи”(1, 21-б.) жумласи Л. Бать ва В. Смирнова таржимасида “*Кто шагает – подобен реке, кто сиднем сидит – подобен циновке*, – заметил Акрам-хаджи” (3, с. 13) шаклида сўзма-сўз ўгирилган. 2009 йилдаги М. Сафаров таржимасида ўзбекча мақол-жумла “*Идущий подобен реке, сидящий же – циновке*, – заметил Акрам-хаджи.” (4, с. 18) деб берилган. Иккала таржима ҳам аслиятга тўла мос. М. Сафаров таржимасидаги “Под лежащий камень вода не течет” (“Ётган тош остидан сув оқиб ўтмайди”) мақолига берилган ҳавола эса (таржимада қўлланилган мақолга синоним) таржимани янада бойитган.

Айни мақол романнинг туркча таржимасида шундай берилган: *Oturan aslandan gezen tilki yeğdir! – dedi Hacı Ekrem*(5, s. 22). Кўришиб турибдики, жумла турк тилига ҳам ишончли ўтирилган (Маъноси: “Ўтирган арслондан юрган тулки яхшидир”). Турк таржимони вазиятга кўра ўз тилида машҳур бўлган мақоллардан бирини топиб қўйган. Чунки ўзбек ва турк тиллари бир тил оиласига мансуб. Тил эгаларининг диний қарашлари, турмуш шароити бир-бирига яқин ва уларнинг аксарияти бир хил манбалар асосида юзага келган бўлса-да, кўпчилик мақолларда образлар фарқланади. Романда қўлланилган мақолларнинг кўпчилиги рус тилидаги ҳар икки таржимада бир-бирига ўхшаш шаклда – уларнинг аксарияти бир хил манбалар асосида юзага келган. Масалан: *Тенг – тенги билан, тезак қопи билан*(1, 36-бет) мақоли илк русча таржимада *Недаром говорят: «Ровня с ровней лучше, а кизяку лежать в куче*(3, с. 25) шаклида, қайта таржимада эса: “*Недаром говорят: «Ровня к ровне, а кизяку место в мешке»* (4, с. 36) шаклида ўқувчига тушунарли тилда маҳорат билан ўтирилган (маъноси: “Тенг тенги билан, таппининг жойи қопда”). Рус тилида айнан шу шаклдаги мақол учрамайди (М. Сафаровнинг таржимада мақолни берар экан, ҳаволада *кизяк* (таппи) сўзининг изоҳини беришни (навоз) унутмаганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Турк таржимони ҳам ўзбекча мақолни *Davul dengiyle çalarmış*(5, s. 38) шаклида бериб, тўғри йўл тутган. Чунки ўзбек тилидаги *Тенг – тенги билан, тезак қопи билан* мақолининг туркча муқобили “*Davul da dengi dengine*” ёки *Davul da dengi dengine çalar* (сўзма-сўз: “Ноғора ҳам тенг-тенги билан чалинади”) эканлиги маълум.

Романда муаллиф қўллаган метафорик бирикма характеридаги *умр – отилган ўқ эмиш* мақоли иштирок этган *Аммо ҳақиқатда орадан ўн беш-йигирма йил ўтиб, сиз ҳам катта йигит бўлгансиз, умр – отилган ўқ эмиш* жумласи(1, 18-б.) Л. Бать ва В. Смирнова таржимасида *А на самом деле прошло почти двадцать лет и вы уже взрослый! Недаром говорят, что время летит, как стрела, пущенная с тетивы* (3, с. 11) деб ўтирилган. Ўзбекча мақол рус тилида *время летит, как стрела, пущенная с тетивы* (маъноси: “вақт ёйдан чиққан ўқ мисоли учиб кетади”) шаклида берилган. 2009 йилги таржимада эса жумла *На самом же деле, с тех пор минуло пятнадцать-двадцать лет, и вы уже взрослый молодой человек. Оказывается, жизнь – что выпущенная стрела!*(4, с. 15) деб айнан таржима қилинган. Қайта таржима биринчисига нисбатан аслиятга янада яқин, бежирим. Ҳар иккала русча вариант ҳам жонли нутқда мавжуд, таржимада маъно бутунлиги тўла таъминланган. Ўзбекча мақол таркибидаги “умр” сўзининг русча таржималарда “вақт” (“время”) мазмунида берилиши, ўзбекча “умр” сўзи

ҳам, “хаёт” сўзи ҳам рус тилидаги “жизнь” сўзининг муқобили эканлиги билан боғлиқдир.

Аслият жумласи туркча таржимада жуда ишончли берилган: *Fakat gerçekte aradan on beş yirmi yıl geçti ve siz kocaman bir delikanlı olmuşsunuz. Ömür, su gibi akıp gidiyor*(5, s. 19). Унда ўзбекча мақол *Ömür, su gibi akıp gidiyor* шаклида ўхшатиш йўли билан ўгирилган. Ўзбекча мақолда образ “отилган ўк” бўлса, туркчада – “оқар сув”дир.

Романда А. Қодирий кўллаган мақолларнинг кўпчилигида ўзбек халқининг менталитети акс этган ва уларнинг муқобиллари бошқа тилларда деярли учрамайди. Масалан: “*Ёв қочса, ботир кўпаяр*” қабилдан *шу чоқгача лом демай ўлтурсан шаҳар аъёнлари ҳам масалани англаб, сўзга аралаша кетдилар*(1, 101-б.) жумласида мақол жуда ўрнида қўлланган. Унинг русча таржималари ҳам бир хил: *Недаром сказано: “Когда враг бежит, появляется много храбрецов*(3, с. 83; 4, с. 111). Туркча таржимага эътибор берсак, жумла: “*Düşman kaçınca kahraman çoğalır!*” *kabilinden şu ana kadar ağzını açmadan oturan devlet erkânı da meseleyi anlamışlardı*(5, s. 106) деб ўгирилган (“*Düşman kaçınca kahraman çoğalır!*”), фақат, аслият жумласининг “сўзга аралаша кетдилар” бирикмаси туркча таржимада тушириб қолдирилган.

Яна бир ўзбекча мақол: “*Еган оғиз уялар*”. “*Еган оғиз уялар*” қабилдан *Ўзбек ойим ҳам муомалани қудаларча қилди*(1, 135-б.). Мазкур жумла рус тилидаги таржималарда бир хил, рус китобхонига тушунарли қилиб ўгирилган: *Как говорится, уста, отведавшие угощенья, уже смазаны для доброй речи, поэтому Узбек-аим тоже вела себя совсем по-родственному...*(3, с. 112; 4, с. 146). Сўзма-сўз, кенгайтириб берилган русча таржимада ҳам муддаога эришилган. Аммо туркча таржимада мақолнинг мазмуни у қадар англашилмаган: *Yüyen ağız utanır kabilinden Özbek Hanım da bir düniür gibi davranarak...*. Чунки туркчада бундай мақол учрамайди. Фақат ўта эътиборли китобхонгина мақолнинг мазмунини чақиши мумкин.

Итдан бўлган қурбонлиққа ярамас (1, 353-б.) мақоли романнинг русча таржималарида ҳам (*Рожденное собакой богу в жертву не приносят* (3, с. 314; 4, с. 392), туркча таржимасида ҳам *İt eniğinden kurbanlık olmaz!* (5, s. 382) тарзида сўзма-сўз ўгирилган, аммо, шунга қарамай, таржима ишончли чиққан. Уни ўқиган китобхон маънони “чақиш” учун узок ўйланмайди.

А. Қодирий ишлатган баъзи мақоллар рус тилида ҳам ўз муқобилига эга. Масалан, *Бузоқ яхши бўлса, икки онани ҳам эмар экан...*(1, 307-б.) мақол-жумласи ҳар икки русча таржимада бир хил берилган: *Говорят: ласковый теленок двух маток сосет...* (3, с. 272; 4, с. 341). Ушбу мақол оғзаки нутқда *Хороший теленок двух маток сосет* шаклида фаол қўлланиб келинади.

Романнинг турк тилидаги таржимони А. Батур мазкур мақолни *Buzađı iyi olursa iki anadan da süit emermiş!* деб сўзма-сўз ўгирган (5, s. 331). Шунга қарамай, турк китобхони жумланинг мазмунини тушуниш учун бош қотириб турмайди.

Романдаги кўп мақолларнинг турк тилида аниқ муқобиллари мавжуд. Масалан, *Қарс икки қўлдан* мақолининг муқобили шундай: *Bir elin nesi var, iki elin sesi var* (сўзма-сўз: “Бир қўлнинг нимаси бор, икки қўлнинг товуши бор”). Таҳлил сирасида бундай мақолларнинг рус тилида китобхонга тушунарли шакл ва мазмунда берилган бўлса-да, аниқ муқобил эмаслиги маълум бўлди: *Қарс икки қўлдан чиқади*, - *dedi Зайнаб*(1, 303-б.). Бу жумла таркибидаги мақол турк тилига *Ses iki telden çıkarmış, - dedi (Zeynep)* (5, s. 326) шаклида ўгирилган (маъноси: “Товуш икки тор (сим)дан чиқади”). Кўриниб турибдики, турк таржимони муқобилни топиш учун узоқ ўйламаган. Жумланинг русча таржимасига эътибор берсак, иккала таржимада ҳам сўзма-сўз ўгиришга йўл қўйилган: *В ладоши хлопают двумя руками, – сказала Зайнаб* (3, с. 268; 4, с. 336). Ҳолбуки, мақолни рус тилида “Что толку от одной руки, а в двух руках – сила” деб бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

Турк тилида кўп қўлланадиган *Başa gelen çekilir* (сўзма-сўз: “Бошга тушган тортилар”) шаклидаги аниқ муқобилга эга бўлган *Бошқа тушканни кўз кўрар*” (1, 158-б.) мақолини турк таржимони ўзбекчадан аниқ таржима қилган: *Başa düşeni göz görürmüş!* (5, s. 166). (Маъноси: “Бошга тушганни кўз кўрар эмиш”). Русча таржималарда эса мақол *Свалилась беда на голову, теперь надо думать, как ее сбыть* (3, с. 134; 4, с. 173) шаклида изохлаб ўгирилган (маъноси: “Бошга иш тушди, энди ундан қандай қутулишни ўйлаш керак”). Бу мақолнинг ҳам русчада муқобили бор эдики (“От судьбы не уйдешь”), таржимонлар бунга эътибор бермаганлар.

Романдаги *Жаҳолат келса, ақл қочади*, *қизим, – деб койиди* (1, 264-б.) гапи туркчага *Cehalet basınca akıl çıkar gidermiş, kızım – diye cevap verdi* (5, s. 279) шаклида ўгирилган бўлса, 1958 йилги русча таржимада: *Когда нападает гнев, разум покидает человека, дочь моя!*(3, с. 233), 2009 йил таржимасида эса *Когда приходит гнев, разум уходит, дочь моя!* (4, с. 293) деб ўгирилган. Ҳолбуки, мақолнинг турк тилида “*Öfkeyle kalkan zararla oturur*” (“Жаҳл билан ўрнидан турган зарар билан ўтирар”), рус тилида эса “Посеевший ветер, пожнет бурю” каби муқобиллари бор эди. Бунда ҳам таржимонлар ўз тилларининг бой мақол захирасидан фойдаланмаганлар.

Таржимашунос олим Ғ. Саломов шундай деб ёзади: “Кўчма маъноли бирикмаларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда ҳар қандай ҳолда ҳам уларнинг образли асослари айнан мувофиқ келадиган бир вариант

билангина таржима қилиш баъзан сунъийликка олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам муқаррар равишда бундай бирикмаларни асар таржима қилинаётган тилдаги бошқа муқобил вариантлар билан кўр-кўрона алмаштиравериш ҳам услуб чалкашлигига, таржима тилининг чегараланиб, қашшоқ бўлиб қолишига, бир хил қолипдаги сийқаси чиққан мақол ва идиомаларнинг узлуксиз такрорланишига олиб келади” (6, 38-бет). Шу туфайли халқ қўлланадиган ихчам, пишиқ ва чуқур мазмунли мақолларни таржима тилида бериш ижодкорлар учун қийинчилик туғдиради.

“Ўткан кунлар”нинг бир кичик боби “Ой этак билан ёпилмас” (1, 293-б.) деб номланган. Боб ном 1958 йилги таржимада *Луну не закрыть полой* (3, с. 258) деб, 2009 йилги таржимада эса “Шила в мешке не утаишь!” (4, с. 324) деб ўгирилган. Турк таржимони эса китобдаги кичик бобларни, жумладан, “Ой этак билан ёпилмас” боби номини ҳам туркчага ўгирмаган.

Хулоса шуки, тилнинг муҳим қатламини ташкил этувчи, бебаҳо маънавий бойлик саналган мақоллар асрлар бўйи халқнинг ҳаёт тажрибаларидан ўтиб, сайқалланиб авлодларга мерос ўтиб келаверади. Халқнинг муайян воқеа-ҳодиса ҳақидаги хулосаси мужассам бўлган мақоллар ижодиётнинг ўзига хос бадиий ифода услуби акс этган жанр ҳисобланса-да, байналминал аҳамият ҳам касб этади(7). Бевосита “Ўтган кунлар” романига келадиган бўлсак, кўпчилик ўзбекча мақолларнинг келиб чиқиши, тарихий тараққиёт, маданият ва урф-одатлар нуқтаи назаридан жуда яқин бўлган турк тили ва буткул бошқа тил оиласига мансуб рус тилига таржимасини бир хил ижодий иш деб қараш тўғри бўлмайди. Баъзи универсал мақол ва маталлар бундан мустасно. Шу боис келажакда “Ўткан кунлар” романининг бошқа тилларга таржималарини таржимашуносликнинг турли нуқтаи назарларидан тадқиқ қилиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қодирий А. Ўтган кунлар. С. Азимов таҳрири остида. (Сўз боши И. Султоновники). – Тошкент: Ўздавнашр, 1958. - 374 б.
2. Qodiriy A., O'tkan kunlar. "Sharq" Nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, Toshkent, 2012. - 384 b.
3. Кадири А., Минувшие дни. / Пер. с узб. Л. Бать и В. Смирновой / Под ред. С. Евгенова. Пер. на русский яз. сверен изд. узб. текста Р. Камиловим. – Ташкент: Гос. изд-во худ. лит, 1958. – 373 с.
4. Кадыри А. Минувшие дни. / Пер. с узб. Мухаммаднодира Сафарова. – Ташкент: Главная редакция издательско-полиграфической акционерной компании “Шарк”, 2009. 432 с.
5. Kadiri A., Ötgen Künler (Geçmiş Günler). Türkiye Türkçesi D. Ahsen Batur. – İstanbul, Selenge Yayınları, 2005. – 403 s.

6. Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Т.: Фан, 1961.

7. Ҳамидов Х. Бадиий таржимада мақолларнинг берилиши (туркча-ўзбекча, ўзбекча-туркча таржималар мисолида). – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, “Тил ва ижтимоий-маданий мулоқотлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари, Самарқанд, 2013, 93-95-бетлар.